

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 8-сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журналы Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.08.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 8**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



2. Ушинский К.Д. О роли русского языка в воспитании человека // Электронный журнал «Знание. Понимание. Умение». — 2009. — № 2. — С.95.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.83-бет.
4. Машкевич А. А. Выдающийся просветитель Исмаил Гаспринский и развитие прогрессивной педагогической мысли народов Востока во второй половине XIX века.- Алматы, 2002.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. 61-бет.
6. Soyinka Wole. Tradition and Vectors of Communication // Development issues. ISS, Vol. 4. No. 2., 2002. –P. 5.
7. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. М., 1987. С. 30.
8. Лотман Ю.М., Петров В.М. Искусствоведение: Методы точных наук и семиотики. – М.,Изд.2, доп. 2007. - 368 с.
9. Назаров Қ.Н. Билиш фалсафаси. Т.: Университет, 2005, 137-б.

“КАШФ УЛ МАҲЖУБ”: МАНБАЛАРИ, ТАРЖИМАЛАРИ, НУСХАЛАРИ ВА ТАЪСИРЛАРИ

Нарзиев З.И

Бухоро давлат университети
“Ислом тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси

Резюме. Мазкур мақолада XI аср тасаввуф фалсафаси ва таълимоти назариётчиси Абулҳасан Ҳужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асари ва унинг ёзилиши, мазкур асарнинг ёзилишига таъсир кўрсатган қатор манбалар, шунингдек “Кашф ул маҳжуб” асарининг таржималари, унинг нусхалари ва тасаввуфга оид ёзилган кейинги асарларга таъсири ҳақида фикр билдирилган.

Калит сўзлар. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абулҳасан Ҳужвирий, Кашф ул маҳжуб, Насойим ул муҳаббат, Нафаҳот ул унс

ИСТОЧНИКИ, ПЕРЕВОДЫ, КОПИИ И ВЛИЯНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ “КАШФ УЛ МАХДЖУБ”

Нарзиев З.И

Бухоро давлат университети
“Ислом тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси

Резюме. В данной статье рассуждается о влиянии произведения Кашфул махжуб Абулхасана Худжвири теоретика суфийской философии и учения XI века, о источниках повлиявших на его написании, также о переводах произведения “Кашфул махджуб”, его экземплярах, и их влияний на последующих произведений о суфизме.

Ключевые слова: Абдурахман Джами, Алишер Наваи, Абулхасан Худжвири, Кашф ул махджуб, Насойим ул муҳаббат, Нафаҳот ул унс



“KASHF UL MAHJOOB”: SOURSES, TRANSLATIONS, COPIES AND EFFECTS

Resume. *This article discusses the works of XI century Sufism philosophy and theology's theorist Abulhasan Hujviry's "Kashf al-mahjub" and its writing, a number of sources influencing the writing of this work, as well as translations of the Kashf al-mahjub, its copies and the subsequent works on Sufism .*

Key words. *Abdurrahman Jomi, Alisher Navoi, Abulkhasan Hujviriy, Kashf ul Mahjub, Nasoyim ul Mukhabbat, Nafahot ul uns*

Тарихдан маълумки, IX аср бошларида Бағдод, Басра, Балх, Нишопур, Термиз шаҳарлари тасаввуф ва тариқат маркази сифатида муҳим ўрин тутган. X асрга келиб тасаввуфнинг халқчил ва фалсафий таълимот сифатида ҳимоя қилиб, унинг исломга муҳолиф бўлмаганлигини кўрсатиб берувчи сўфийлик қонун-қодалари, тушунчалари, сўфийлик ҳолатларини тушунтирган асарлар ёзилган.

Абу Наср Саррож Тусийнинг “Ал-лумъа фиғ-тасаввуф”, Абу Толиб Муҳаммад Али Атия Хорисий Маккийнинг “Қутб ул-қулуб”, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бухорий ал-Калободийнинг “Ат-таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф”, Шайх Абулқосим Қушайрийнинг “Рисолаи Қушайрий”, “Латоиф ул-ишорат”, Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб”, Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Иҳёу улум-иддин” каби асарлари шундай асарлар сирасига киради. Бу асарларда тасаввуфнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилиб, мазкур таълимотнинг асосий қоидалари ва категориялари ишлаб чиқилган. Шундай асарлардан бири юқорида қайд этилгангандек, “Қудват ус соликийн” (Соликларнинг асоси), “Зубдат ул орифийн” (Орифларнинг қаймоғи), “Хужжат ул комилийн” (Комиллар хужжати), “Санад ул восилийн” (Ҳақ васлига етувчилар суянчиги), “Мазҳар ул улум” (Илмлар мазҳари) каби унвонлар билан улуғланган мутасаввиф Абулҳасан Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб ли арбоб ал қулуб” асаридир. Абулҳасан Али ибн Усмон ибн Али ал Ғазнавий ал Жуллобий ал Хужвирий (туғилган йили тахминан X асрнинг охири ёки XI асрнинг бошлари — 1072-1076 йиллар орасида) ўз даврининг етук тасаввуф вакилларида ҳисобланган. Тасаввуф таълимотининг вужудга келиши, унинг моҳияти ва асосий ақидалари, ундаги тариқатларининг вужудга келиши ва бир-биридан фарқ қиладиган ғоялари баён этилган “Кашф ул маҳжуб” асарининг муаллифи сифатида ислом оламида кенг эътироф этилган.

Асарнинг илмий аҳамияти, аввало унинг тасаввуфга оид дастлабки назарий манбалардан бири эканлигидадир. Агар асарнинг XI асрнинг ўрталарида яратилганлигини инобатга оладиган бўлсак, тасаввуфга оид кейинги рисолалар хусусан, Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” сингари тасаввуфга оид асарлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Мутасаввифнинг мазкур асари қачон ёзилганлиги номаълум. Кўпгина тадқиқотчи ва шарқшуносларнинг фикрига кўра “Кашф ул маҳжуб” тахминан 1050-1070 йиллар орасида ёзилган. Шуниси аниқки, асар Хужвирий ҳаётининг охириги йиллари яъни Лаҳорда яшаган пайтларида ёзилган. Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирий назарий ирфоннинг тарихий тараққиётида ўзига хос ўринни эгаллаб, аксарият тадқиқотчилар унинг “Кашф ул маҳжуб ли арбоб ал қулуб” (Қалб эгалари учун ҳижобнинг очилиши) асари тасаввуф одоби, расм-русумлари, ва ирфоний жиҳатларига бағишланган форс тилида ёзилган биринчи рисола сифатида таърифлашади. Хужвирийнинг яратган асарлари мукамал ва ўша даврнинг энг муҳим муаммоларига



қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Шу билан бирга Хужвирийнинг форс тилида ижод қилиши Хуросон ва Мовароуннаҳрда тасаввуф билан машғул бўлган уламолар учун дастурул амал вазифасини ўтаганига шубҳа йўқ. Чунки IX-аср охирида араб халифалигининг сиёсий таъсири заифлашиб Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётнинг ривожланиши учун кенг имконият яратган эди. X-XI асрларга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда уч араб, форс ва турк тилларининг муомалада бўлганлиги маданий юксалишдаги муҳим омилларидан бири эди. Хужвирийнинг форс тилида ёзган “Кашф ул-маҳжуб ли арбооб ал қулуб” (Қалб эгалари учун ҳижобнинг очилиши) асари тасаввуф ва тариқатлар тарихи, ўша даврнинг турли оқим ва йўналишлари тўғрисидаги қимматли маълумотларни ўзида жамлаганлиги билан муҳимдир.

Айниқса “Кашф ул-маҳжуб”да таҳлил майдонига тортилган тасаввуф фалсафасининг бизга етарлича маълум бўлмаган қирраларининг ёритилиши диққатга сазовордир. Абулҳасан Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб ли арбооб ал қулуб” асари форс тилида ёзилган ва тасаввуфнинг назарий ва амалий мавзуларини тизимли бир шаклда ифодалаган тасаввуф таълимоти ва фалсафасига оид муҳим классик асардир. Кўплаб шарқшунослар, тадқиқотчилар, мутафаккирлар ва олимлар мазкур асар ва унинг муаллифини юксак даражада қадрлашади. Бошқа тасаввуфий асарлардан фарқли тарзда, Хужвирий ўзининг тадқиқотларида тасаввуфнинг энг асосий истилоҳларини муҳокама майдонига тортиб, изоҳлаб берган. Бошқа томондан ўзи шахсан ташриф буюрган кўплаб Шарқ мамлакатларида танишган сўфийларнинг, мутасаввифларнинг нақллари, фикрлари ва улар билан содир бўлган воқеалардан хабар берган. Бундан ташқари Хужвирий тасаввуфни нотўғри талқин қилган ва амаллар билан чалкаштиришга уринганларга шиддат билан кураш олиб бориб, тасаввуфнинг автократик тизимини маҳорат билан бошқарган. Хужвирий “Кашф ул маҳжуб”ни ёзар экан, бир қатор манбалардан кўп ва кенг миқдорда фойдаланганини кўришимиз мумкин. Мутасаввиф томонидан фойдаланилган манбаларни қуйидагича тасниф этиш мақсадга мувофиқ.

1. Куръон Қарим ва ҳадислардан намуналар
2. Турли сўфий шайхлари, мутасаввифлардан эшитган ривоят ва ҳикоялар
3. Ботинийлар, хорижийлар, муътазила, калом ва бошқа бир қатор диний, фалсафий мактабларнинг ғоялари
4. Турли муаллифларнинг тасаввуфга оид асарлари. Фикримизча мазкур асарлар уч қисмга бўлинади. Биринчи қисм асарларга бевосита Хужвирий кўрган, фойдаланган ва мазкур асарлари муаллифлари ва асарлар исмини очиқчасига қайд этган. Бу асарлар қуйидагилардир:

1. Абу Наср Саррож(ваф.988) нинг “Китоб ал лумаъ”(Шулалар китоби) асари. Хужвирий сўфийларнинг суҳбатдаги одобларини қайд этар экан, “Китоб ал лумаъ”дан араб тилидаги бир парчани келтиради. Шу билан бирга Хужвирий “Кашф ул маҳжуб”нинг кўп жойларида “Лумаъ”дан қайта-қайта мисоллар келтирган.

2. Амр ибн Усмон Маккий(ваф.909)нинг “Китоб ул муҳаббат” асари. Муҳаббат ҳақида гапирганда Хужвирий мазкур асардан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

3. Абу Абдурахмон ас Сулламий(ваф.1021)нинг асарлари.

А)“Тарихи аҳли суффа” асари. “Кашф ул маҳжуб”нинг “Аҳли суффа зикрида” деб номланган қисмида бу асарни тилга олади.



Б) “Китоб ас симоъ” асари. Симоъ ҳақидаги фикрларда Хужвирий бу асарга ишора қилган.

В) “Табақот ус суфия” асари. Маъруф Кархий ҳақида фикр билдирганда шу асардан фойдаланган.

4. Ҳаким ат Термизийнинг “Тарих ул машойих” асари. Кашф ул маҳжубнинг мураққаъ ва хирқа кийиш сирлари бобида Хужвирий мазкур асардан фойдаланганини имомлар, шайхлар тўғрисида маълумот берганда “Тарих ул машойих”га ишонч билдирганини кўришимиз мумкин.

5. “Рисолаи Қушайрия”. Маъруф Кархий ҳақида гапирганда мазкур асардан фойдаланган ва бундан ташқари “Кашф ул маҳжуб”нинг кўпгина ўринларида “Рисола”дан фойдалангани айни ҳақиқатдир.

6. “Ҳикоёти Ироқиён” асари. “Кашф ул маҳжуб”да келтирилган мазкур асарнинг асарнинг муаллифи маълумот берилмаган. Лекин Хужвирий бу асардан жуда яхши хабардор бўлган ва ундан фойдаланган.

Иккинчи қисм асарларга қуйидагилар киради. Хужвирий бу қисмдаги китоб ва рисоаларнинг номини ва муаллифларини қайд этиш билан бирга, мазкур асарларни кўрганлиги ва ўқиганлигини баён этган, улардан фойдаланганига шубҳа қолдирмаган. Мазкур асарлар Мансур Халлож, Абу Жафар Сайдалонийнинг “Расоий ул сайёрийа” асарларидир.

Учинчи қисм асарлар ва биз бу асарларни яна икки турга бўлишимиз мумкин.

Хужвирий биринчи турдаги асарларнинг баъзиларини муаллифлари ва номини қайд этган. Иккинчи турдаги асарларнинг баъзиларини эса фақатгина муаллифларини зикр этган. Биринчи турдаги асарларга Ҳаким ат Термизийнинг “Одоб ул муридин”, “Хатм ул валоят”, “Китоб ун наҳж”, “Китоб наводир ул усул”, Кирмонийнинг “Мират ул ҳукамо”, Руваймнинг “Китоб ул ғалатил вужудийн”, Жунайд Бағдодийнинг “Тасхих ул иродат”, Аҳмад Хузравайҳ ва Ҳорис Мухосибийнинг “Ар риоят ли ҳуқуқи-ллоҳ”, абу Маъмурнинг “Китоб ул мураққаъот” ва муаллифи номаълум бўлган “Ибоҳат ус самоъ”лар киради. Иккинчи турдаги асарларда мутасаввиф фақатгина асар муаллифлари исмини қайд этган. Буларга Яҳё ибн Муаз Розий, Абу Бакр Варроқ, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий, Аҳмад ибн Хузравайҳ ва Абу Саид Харрозларнинг асарлари киради.

“Кашф ул- маҳжуб” асарининг қатор қўлёзма ва тошбосма ҳозирга қадар турли Шарқ ва Европа тилларига таржима қилинган ва бу асарнинг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхалари Шарқ ва Ғарбнинг бир қатор нуфузли кутубхоналари фондларидан ўрин олган. Жумладан инглиз шарқшунос олими Рейнолд Никольсон мазкур асарни инглиз тилига таржима қилиб, 1911 йилда чоп эттиради. Рус шарқшуноси Валентин Жуковский томонидан ҳам бу асар атрофлича ўрганилиб, рус тилидаги танқидий нусхаси 1926 йилда нашр эттирилади. Никольсон таржимаси асосида 2004 йилда А.Орлов “Кашф ул маҳжуб”ни рус тилига ўтириб, “Единство” нашриётида чоп эттиради. [5: XII-XVI] Хужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб” асари 1919 йилда форс тилида қайта кўчирилган. Бу асарни араб тилига Асьод Абдулҳоди Қандил таржима қилиб, Байрутда “Каир” нашриётида 1974 йилда чоп эттирган. Сулаймон Улуғдош эса бу асарни турк тилига таржима қилиб, 1982 йилда Истамбулда чоп эттирган.[8:47] “Кашф ул маҳжуб”нинг тошбосма нусхаси ҳам Ҳиндистонда чоп этилган. Валентин Жуковский томонидан кенгайтирилган интиқодий(танқидий) нусхаси 1958 йил Эронда босилган. “Кашф ул маҳжуб”нинг охириги нусхаси 1993 йил Қосим Ансорийнинг китобга киритилган



сўзбошиси билан чоп этилган.[3:288] Эронлик тадқиқотчи Қосим Ансорийнинг маълумотига кўра “Кашф ул маҳжуб” 1130 ҳижрий йилида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида чоп этилган. Рейнолд Никольсон маълумотига кўра “Кашф ул маҳжуб” Лаҳорда 1903 йил форс тилида, сўнгра форс тилидан инглизча таржимаси нашр этилган. 1931 йил мазкур шаҳарда “Кашф ул маҳжуб” Муҳаммад Хусайн Фозил Девбандийнинг ёзган сўзбошиси билан нашр қилинган. Худди шундай 1933 йилда профессор Аҳмад Алшоҳ ҳамда Ҳожи Қурбон Алиларнинг сай ҳаракати билан Лаҳорда яна бир маротаба чоп этилган. 1912 йилида “Кашф ул маҳжуб” Самарқанд ва Тошкентда чоп этилган. “Селёнов” нашриётида Самарқанд шаҳрида чоп этилган китобда Хужвирийнинг таржимаи ҳоли Муҳаммад Дорошукунинг “Сафинату-л авлиё” китобидаги маълумотлар асосида баён этилган. Ҳижрий 1337 йилда тўлдирилган ва мукаммаллаштирилган нусхаси Оқои Қавим ташаббуси билан чоп этилади.[6:38-39] Эронлик шарқшунос Маҳмуд Обидийнинг айтишича, 1283 ҳижрий қамарий (1874) милодий йилда “Кашф ул маҳжуб” асари илк маротаба Лаҳорда нашр этилган.[7:56] “Кашф ул маҳжуб”нинг Лаҳордаги илк нашри кейинги нашрларга асос сифатида хизмат қилган. 1967 йилда Ҳомидий Раббоний томонидан Лаҳорда босилган “Кашф ул маҳжуб” асари Мавлавий Муҳаммад Шофе кутубхонасида мавжуд бўлган нусха асосида юзага келган. 1955 йилида Эрон Покистон тадқиқот маркази намояндаларидан вакилларида бири бўлган Муҳаммад Хусайн Тасхеҳий “Кашф ул маҳжуб”ни маълумотларини мукаммаллаштиришда изланишлар олиб боради. Натижада у топилган маълумотли матнларни алоҳида китоб жилдда йиғиб алоҳида шакллантиради.[30:57] Форс китоблари рўйхати каталогига қайд этилган маълумотга кўра “Кашф ул маҳжуб” матншунос, таржимашунос, ношир шахслар томонидан сайқал берилган ҳамда матнлари кенгайтирилган китоб “Кашф ул маҳжуб” бой маълумотлар билан урду тилида 17 маротаба чоп этилган.[4:2246-2247] Абулҳасан Али ибн Усмон Абу ал-Жуллобий ал-Хужвирий ал-Ғазнавийнинг “Кашф ул-маҳжуб ли-арбоб ал-қулуб” асари араб тилидаги қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалари фондида (инв. № 1536) рақамда сақланади. Худди шу асарнинг XVIII асрга оид тошбосма нусхаси Бухоро давлат музей-қўриқхонаси араб ёзувидаги қўлёзмаларни ўрганиш илмий марказида инв. 24121/11 рақамида сақланади. Тожикистон Фанлар Академияси қўлёзмалар институти фондида эса “Кашф ул маҳжуб”нинг 3 та (инв.№3153,1562,1190) нусхаси сақланади. Уларнинг барчаси тўлиқ, камчиликсиз. Улардан биринчиси XVII асрда, қолган иккитаси XVIII асрда қайд қилинган.[10:51] “Кашф ул маҳжуб” XX аср бошларига қадар ҳеч бир тилга таржима қилинмаган. Сулаймон Улдоғ бунинг асосий сабаби сифатида илк замонларда мазкур асарга бўлган қизиқиш камайгани, балки кейинги асрларда бутунлай унутилган бир ҳолатга келганидир деб тушунтиради.[12:70] Аммо бу фикр нотўғри. “Кашф ул маҳжуб” таржима қилинмаган бўлса ҳам, мазкур асарга қизиқиш бўлган ҳеч қачон сўнмаган. Акс ҳолда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фаридуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Муҳаммад Дорошукунинг асарларида тилга олинмаган бўлар эди. Турк тадқиқотчилари учун мазкур асар номаълум асар бўлгани учун балки таржима қилинмаган. Валентин Жуковский тайёрланган таржимасида “Кашф ул маҳжуб”нинг Вена, Тошкент, Самарқанд, Петербург ва Париж Ташқи ишлар вазирлиги Шарқ тиллари институти нусхаларидан фойдаланган. Жуковскийнинг томонидан амалаг оширилган таржима, унинг вафотидан сўнг, 1926 йилда Ленинград шаҳрида 250 нусхада босилган. Жуковский китобда сўзбоши ёзган ҳамда китобдаги маълумотлар асосида адабиётлар рўйхатини



тузган ва сўзбошининг инглиз ва форс тилларидаги таржималарини ҳам берган. Шунингдек, Жуковскийнинг таржимаси кейинги даврларда Эрон, Покистон, Буюк Британияда амалга оширилган таржималарга асос бўлиб хизмат қилган. Ethe cat, Rieu cat ва Blechet сатларида ҳам “Кашф ул маҳжуб”нинг нусхалари ҳақида ҳам маълумот берилган. Рейнольд Никольсон 1911 йилда “Кашф ул маҳжуб”ни инглиз тилига таржима қилиб, “A Translation of the Kashfu'l mahjub of Ali b. Uthman al- Jullabi al-Hujwiri the oldest Persian manual of sufizm” номи остида чоп эттирган. Никольсон ўзининг таржимасига 1903 йилда Лаҳорда чоп этилган нусхани асос қилиб олган. Шундан сўнг мазкур асар Покистонда, аниқроғи Лаҳорда кўп маротаба турли таржимонлар томонидан сўзбоши ёзилиб, урду тилига бир неча маротаба таржима қилинган. Турк шарқшуноси Сулаймон Улуғдош “Кашф ул маҳжуб” Лаҳорда тўрт маротаба чоп этилган деб фикр билдиради. Фикримизча тадқиқотчининг бу фикри ҳақиқатга яқин эмас. “Кашф ул маҳжуб” илк маротаба Лаҳорда 1903 йилда, иккинчи маротаба 1931 йилда, учинчи маротаба 1933 йилда, тўртинчи маротаба бўлса Али Қавим ва Иршод Қурайшийлар томонидан тайёрланиб, 1978 йилда нашр этилган. Эронда эса бу асар ҳижрий 1327, 1336, 1337 ва 1338 йилларда нашр этилган. Кейинги йилларда бўлса яна Лаҳор ва Эронда Валентин Жуковский томонидан тайёрланган таржиманинг айнан ўзи бир неча марта чоп этилган.

Абулҳасан Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асари кейинги асрларда ёзилган ёзилган бир қатор асарларга таъсир ўтказган ва асосий ишончли манба бўлиб хизмат қилган. Жумладан, машҳур сўфий Абу Саид Абул Хайрнинг набираси бўлган Муҳаммад бин Мунаввар бин Абу Саид бин Абу Тоҳир бин Абу Саид томонидан тахминан 1178 йилда ёзилган “Асрор ут тавҳид” асари “Кашф ул маҳжуб” асари таъсири остида ёзилган. “Асрор ут тавҳид” сўфийлик ҳаёти, дарवेशлар билан бўлган муносабатлар, хонақоҳ анъаналари ва одоби ҳақидаги, ўн иккинчи асрдаги тасаввуфий ҳаётга доир қимматли маълумотларни ўзида жамлаган муфассал асардир. Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул авлиё” асарида ҳам “Кашф ул маҳжуб”дан фойланганини кўришимиз мумкин. Аттор бу асарни ёзар экан “Кашф ул маҳжуб” ва “Асрор ут тавҳид” асарларидан фойдаланган. Айниқса, Муҳаммад Аббосий ва Муҳаммад Истиломий ҳақида берилган маълумотларда Хужвирийнинг асари билан алоқадорлиги сезилади. Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафаҳот ул унс мин ҳазорат ус қудс” асарида Хужвирий ва унинг “Кашф ул маҳжуб” асарига юксак даражада баҳо берган. Жумладан, Абдурахмон Жомий Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асарини “тасаввуф соҳасидаги муҳим ва машҳур китоблар” қаторига киритиб, у ўзида “катта миқдордаги нозик ва аниқ тадқиқотлар”ни мужассамлаштирган деб таъриф беради.” [9:46]

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида энг тилга олинган ва иқтибослар келтирилган китоблардан бири Али бин Усмон Жуллобий Хужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб”идир.[1:219] Жумладан буюк мутафаккир “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хужвирий ва унинг “Кашф ул-маҳжуб” асари ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Кунияти Абул Ҳасандур. Олим ва ориф ва Шайх Абул Фазл Ҳасан Хатлийнинг муридидур. Кўп машойиғ суҳбатиға ҳам етибдур. “Кашф ул-маҳжуб” китобининг соҳибидурки, бу фанда машҳур ва мўътабар китобдур” Муҳаммад Дорошуқуҳнинг “Сафинат ул авлиё” эса “Кашфул маҳжуб” ҳақида “тасаввуф ҳақидаги китоблар ичида” “Кашф ул маҳжуб” каби форс тилида яхши ёзилган китоб йўқдир ва “ҳеч ким бу китобга қарши ҳеч нарса дея олмайди”[9:46] - деб таъкидлайди. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл ул хитоб” ва “Таҳқиқот” асарларида “Кашф ул маҳжуб”дан



мохирлик билан фойдаланилганини гувоҳи бўлиш мумкин. Шунингдек, сўнги даврларда Шарқ ва Ғарбнинг тадқиқотчилари, олимлари “Кашф ул маҳжуб”га мурожаат этишмоқда ва буни тадқиқот ва илмий изланишларида зарурий бир манба сифатида қўллаганлар. Қосим Ғани “Тарихи тасаввуф дар Эрон” ва Афибий “Ат тасаввуф суврат ур руҳийа фил Ислому” асарларида Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асарига таянганлар. Никольсон, Адам Мец ва Луи Массиньон каби шарқшунослар ҳам ишонч билан “Кашф ул маҳжуб”дан фойдаланганлар.

Хужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб”и Навоий, Жомий, Хожа Муҳаммад Порсо, Дорошукуҳ асарларида ҳурмат билан тилга олинади ва иқтибослар келтирилади. Умуман Хужвирий ва унинг бой мероси, хусусан “Кашф ул-маҳжуб” асари Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан умумэътироф этилган. Маъшхур немис тасаввуфшунос олимаси Аннамария Шиммель “Хужвирийнинг энг муҳим янгилиги “Кашф ул-маҳжуб”ни форсийда ёзгани ва тасаввуф адабиётида янги бир даврнинг бошланишига эришганидир”-деб таъкидлайди. Шахзода Муҳаммад китоб ҳақида қуйидагиларни айтади: “Тасаввуф китоблари ичида форс тилида ёзилган “Кашф ул маҳжуб” каби мукамал битилгани йўқ”. Карл В.Эрнст бу асар ҳақида ўзининг қуйидаги фикрини илгари суради: “Кашф ул маҳжуб шунчаки адабиёт маҳсули эмас, ваҳоланки асрлар давомида ифодаланган кенг миллий тасаввуф хулосасининг таърифидир”. Эдвард Гренвил Брюне бу асар ҳақида қуйидаги фикрларни айтган: “Усмон ал- Жуллобий ал- Хужвирий XI аср охирида ёзган тасаввуфдаги ўлмас илмий иши ва илмий назариясидир”.

Турк тасаввуфшунос олими Турар Усмон Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асарини тасаввуф илмини изоҳлайдиган ва сўфийлик табақотлари акс эттирилган асарлар сирасига киритади.[2:13] Мутасаввифнинг “Кашф ул маҳжуб” асари тасаввуф илмининг асосий мавзуларини изоҳлаш, бу мавзуларнинг шаръий асосларини кўрсатиш, тасаввуфий ахлоқнинг асосий жиҳатларини аниқлаш, тасаввуфнинг исломга зид келадиган томонлари йўқлигини кўрсатиш, тасаввуфнинг калом ва фикр илмлари билан мутаносиблиги мавжудлигини қайд этиш мақсадида ёзилган.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мутасаввиф Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асари:

- тасаввуф тарихи, илк тасаввуф тариқатлари, уларнинг асосий ғоя ва концепцияларини, тасаввуф назарияси ва амалиётини ўрганиш ва тадқиқ этишда муҳим қимматли манбалардан бири бўлиб ҳисобланади;
- ислом фалсафаси, унинг оқим ва мактаблари ҳақида мукамал маълумот берувчи асарлардан биридир;
- тасаввуф гносеологиясига бағишланганлиги билан диққатга сазовордир;
- инсон камолотига оид фикрларнинг акс этганлиги билан аҳамиятлидир;
- борлик, ахлоқ ва нафосат, қадриятлар фалсафасига оид илмий қарашлар илгари сурилган фалсафий манбадир;

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асари тасаввуф таълимоти, тарихи, тараққиёти ва унинг назариясини ўрганишда муҳим қўлёзма манбадир. Асардаги ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий ғояларни ўрганиш, уларни комил инсонни тарбиялашнинг таркибий қисми сифатида, инсон маънавий онгини юксалтириш ва шу асосда унинг маънавий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон маънавий баркамоллиги ва камолоти кўп жиҳатдан



айнан инсоннинг ўзида шаклланган маънавиятга боғлиқ. Шунинг учун ҳам уни тадқиқ этиш фалсафа тарихининг ҳали ўрганилмаган саҳифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Навоий А. Насойим-ул муҳаббат. Т.: “Фан”, 2001. 17-том.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т.: “Истиқлол”, 1999.
3. Салимов Н. Мархалаҳои услубӣ ва таҳаввули анвоъи наср дар адабиёти форсу тоҷик (асрҳои IX-XIII).-Хўҷанд: “Нури маърифат”, 2002.
4. Феҳриствораи китобҳои форси. Мучаллади саввум /Ба кўшиши Аҳмади Мунзавӣ. - Техрон: Фаршева, 1364.
5. Худжвири Али ибн Усмон. Раскрытие скрытого за завесой. Старейший персидский трактат по суфизму. Пер. с англ. А. Орлова. Науч. ред. русского перевода Н. Пригарина. - М.: “Единство”, 2004. - 504 с.
6. Хучвирӣ ал-Ғазнавӣ, Абулхасан алий ибни Усмон ал-Чуллобӣ. “Кашфу-л-махҷуб”. Ба тасхеҳи таҳқиқи зиндаёд В.Жуковский. Бо муқаддимаи Қосим Ансорӣ -Техрон: “Ормон”, 1371.-607 с.
7. Хучвирӣ Алий ибни Усмон. Кашфу-л-махҷуб /Муқаддима, тасхеҳу таълиқоти Маҳмуди Обидӣ.-Техрон: “Суруш”, 1383.
8. Хасан Камилъ Йилмаз. Тасаввуф и тарикати. 1-е издание. Перевод с турецкого Азат Урманов.. М.: ООО «Издательская группа «САД», 2007.
9. Яковлев Л. Суфии: Восхождение к истине. Вторая книга — М.: Изд-во Эксмо, 2003.
10. Эльчибеков Кудрат. Коллекция суфийских рукописей института востоковедения письменного наследия АН Таджикистана. Мир ислама: история, общество, культура: Тезисы докладов II Международной научной конференции. 28–30 октября Москва. 2010.
11. Kodirov N. M. TRANSFORMATION AND GLOBALIZATION OF INFORMATION MEDIA //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 83-93.
12. Ҳаққул И. Навоӣга қайтиш. Т.: “Фан” , 2007.
12. Нувирӣ Али б. Осман Қуллубӣ. Hazirlayan: Suleyman Uludag. Kesfu'l-mahcub. Hakikat bilgisi. Istanbul. “Dergah Yayinlari”. 1996.



	гуруҳланиши	
	Хусанов А.К	140
29	Қадимги аллювиал текисликларда шакланган суғориладиган ўтлоқ тупроқларнинг генетик-мелиоратив хусусиятлари	
	Қалаңдаров Н.Н, Исмонов А. Ж, Мамажанова Ў.Х	146

05.00.00 **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

30	Тадқиқотлар натижаларини замонавий дастурий воситалар асосида қайта ишлаш	
	Абдурахмонов С.М., Зайнабидинов Р.М., Тиллабоев А.....	151

09.00.00 **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

31	Talabalarni vo'sh vaqtini tashkil etishda zamonaviy yondashuv usullari	
	Hayitov A.X	157
32	Зарафшон воҳасида иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт (1930-1935 йиллар)	
	Алимова М. М	163
33	Муқимий асарларида зоонимлар	
	Жўраева Р. А	169
34	Ахлоқнинг маънавий йўли ва ҳақиқатга эришиш	
	Жураев.Ш.Ф	174
35	Янгиланаётган Ўзбекистонда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш механизмлари – ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида	
	Шерманов И.Ч	179
36	Глобаллашув шароитида тил ва коммуникацияларнинг ижтимоий-маданий ривожланиши	
	Худайбергандов Р.Х	185
37	“Кашф ул маҳжуб”: манбалари, таржималари, нусхалари ва таъсирлари	
	Нарзиев З.И	191
38	Азизиддин насафийнинг тасаввуфий - фалсафий таълимоти	
	Нарзиев З	199
39	Маҳатма Ганди диний қарашларининг таҳлили	
	Пўлатов Ш. Н	205
40	Бугунги кунда жазоирдаги сиёсий жараёнга таъсир қилувчи асосий ички омиллар	
	Расулов О.А	212
41	Миллий байрамлар ёш авлоднинг истеъдодини рўёбга чиқарувчи эстетик	220